Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 14 (4709).
18 ЯНВАРЬ 1982 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮКСАК АҲДГА ЯРАША

«Беш йилликни икки ярим йилда бажарамиз!» — шаҳримиздаги 1-троллейбус депоси ҳайдовчилари А. Баҳриддинов ва Л. Ивановнинг шиори ана шундай. Улар пассажирларга намунали хизмат кўрсатиш ҳаракатига қўшилиб, юксак социалистик мажбуриятларига яраша меҳнат қилишяпти.

Депонинг тайёрлов цехи коллективида ҳам шу кунларда зарбдор меҳнат авж олган. Бу коллектив «коммунистик меҳнат цехи» номини олиш учун курашяпти. СССР 60 йиллигига бағишланган зарбдор ҳафталикларда Ш. Умаров, Т. Каримов бошчилигидаги ремонтчилар бригадалари бир неча марта ғолиб чиқишди.

Депода ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан илгари 3-троллейбус маршрути пассажирларга яхши хизмат кўрсатмаётгани ҳақида кўп гап бўлар эди. Эндиликда ана шу маршрутда комсомол-ёшлардан иборат ҳайдовчилар ишлашяпти. Дастлабки натижалар ана шу маршрут иши яхшиланаётганидан далолат беради.

1-троллейбус депоси коллективи ўтган йили пландан ташқари ярим миллиондан ортиқ ҳамшаҳримизнинг манзилини яқин этган эди. Бу йил эса янада юксак марралар сари интилишмоқда.

Тошкент марказий телеграфида кўплаб ўз ишининг усталари меҳнат қилишади. Ана шундай ишчилардан бири тонал телеграф цехининг монтёри Т. Исроиловдир. У ўн олти йилдан бери шу ерда ўз касбини улуғлаб келмоқда. Айни пайтда тажрибали монтёр бир ўзи 400 каналга хизмат кўрсатади.

СУРАТДА: Т. Исроилов.

И. Шоиноғомов фотолари.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Бугун СССР 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақанинг ўн биринчи зарбдор ҳафтаси бошланди. Бу ҳафта Узоқ Шарқ меҳнаткашларига бағишланади.

Ўзбекистон пойтахти ва Узоқ Шарқ коллективларининг иқтисодий ва дўстлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ўлкага тошкентликлар кўплаб саноат маҳсулотлари, турли буюмлар жўнатадилар.

Шартнома мажбуриятларининг принципларига содиқ бўлган тошкентликлар Узоқ Шарқ халқ хўжалиги учун мўлжалланган маҳсулот ва буюмларни ўз вақтида етказиб беришни мунтазам назорат қилиб турмоқдалар.

Октябрь райони янгиликлари

● Районда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили аҳолига 207,5 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Чарм-галантерея буюмлари ва спорт товарлари бирлашмасида комплекслашган қабул пункти очилди. Бундан ташқари «Бўстон» маҳалласида, «Марказ—14» кварталида ҳам холодильник ва кир машиналарини тузатиб берадиган устахона ишга тушди.

● Шу ойнинг охирида рангли телевизорларни ремонт қилиб берадиган, 1100 квадрат метр саҳнга эга бўлган «Радуга» ателъеси ишга тушади.

● Халқлар дўстлиги проспектининг Шимолий-ғарб томонида 3-«А», 3-«Б» уй-жой биноларининг қурилиши қизғин олиб борилмоқда. 9 минг 630 квадрат метр ҳажмли биноларни «Главташкентстрой»нинг 159-трестига карашли 22-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этмоқдалар. Шунингдек, Октепа 7—8-уйлар қурилиши давом этмоқда. 5 минг 140 квадрат метр ҳажмли бу уй-жой биносида 1-қурилиш трестига қарашли 2-қурилиш бошқармаси бинокорлари меҳнат қилмоқдалар.

● Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу йилги ишлар учун 6 миллион сўм маблағ ажратилган. Шу кунларда «Москва» меҳмонхонаси атрофида «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармаси ишчилари ҳамда шаҳар йўл қурилиш трести, Октябрь район ободонлаштириш бошқармасининг ходимлари ободонлаштириш ишларини олиб бормоқдалар.

● Самарқанд дарвоза, Ўзбекистон кўчаларида реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Бу йил районда 128 минг квадрат метр йўлни асфальт қилинади, 70 минг мевали дарахт, 400 минг ранг-баранг гул кўчати ўтқазилади.

Конвейерда — янги маҳсулот

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитетининг тажриба ремонт-механика заводида каноп ўрадиган комбайнлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Бултур колхоз ва совхозлар ана шу машиналарнинг эллик-та эксперимент нусхаларини олган эди. Бу машиналарни тайёрлашда республикадаги кўпгина машинасозлик заводлари қатнашди. Эндиликда деталларни тайёрлашдан тортиб уларни йиғишгача бўлган ишларнинг бутун комплекси бир корхонанинг ўзида бажариладиган бўлади.

Заводда яна бир янгилик юз берди. Ремонтчилар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг олимлари билан биргаликда ҳайдов тракторлари двигателларининг эскириб қолган тирсакли валларини тиклашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар.

(ЎзТАГ).

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг асосий қисмини сергайрат ёшлар ташкил қилади. Уларга бу ерда катта меҳнат тажрибасига эга бўлган тажрибали мураббийлар яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

СУРАТДА: мазкур бирлашманинг 3-цехи бошлиғи Л. Севальнева бир группа ёш ишчилар билан маҳсулот сифатини нўздан кечирмоқда.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛИБ

Кардон — полиграфия ишлаб чиқариши бўлган бадиий-конструкторлик бюроси маҳаллий саноат бошқармасига қарашли илғор корхоналардандир. Корхона коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажаришга аҳд қилиб, вақтдан ўзиб меҳнат қиляпти. Ҳозир коллективнинг меҳнат календарида 1982 йилнинг март ойи давом этяпти.

Коллектив йил бошидан бери истеъмолчиларга 50 минг сўмликка яқин кенг истеъмол буюмлар етказиб берди. Булар ёрлиқлар, кардон қутилар, альбомлар, папкалар ва бошқа буюмлардир. Буюмларнинг сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Бунда Н. Горбатова бошлиқ тажриба-эксперимент лабораторияси коллективи ва А. К. Ёқубова бошлиқ матбаачилар бригадаси аъзоларининг хизмати салмоқли бўлмоқда.

• Пойтахт қурилишларида

График ортда қолди

«СССР 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафталик» шиори остида ўтаётган мусобақада Е. Портнов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи республика қурилиш министрлигининг «Ташпромстрой» трестига қарашли 50-қурилиш-монтаж бошқармаси бригадалари ўртасида пешқадамлик қилиб келяпти. Бу коллектив Луначарское шоссесида енгил автомобилларга хизмат кўрсатувчи техник станция корпусининг маъмурий-маиший биносини бунёд этяпти.

БУГУН

икки қаватли бино қурилишида конструкцияларни монтаж қилиш ишлари муддатидан ярим ой илгари адо этилиб, бетон полларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди.

Бригаданинг оловқалб қурувчилари —дурадгор Владимир Адеев, бетончи Олимжон Усмонов, монтажчи Алексей Молчанов ва бошқалар смена топшириқларини 110—115 процент адо этишиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

—Е. Портнов бригадаси, — дейди мастер Рустам Эрназаров,— бошқармадаги энг илғор бригадалардан биридир. Бригада қурувчилари бир қатор ўхшаш касбларни пухта эгаллаб олишган. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай шароитда ишлаб кетишга қодирлар.

Қурувчилар январь ойи сўнгида бинони пардозчиларга топшириш, пландан ташқари 2 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилдилар.

Фойдаланишга тахт

«Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 19-қурилиш бошқармасида Константин Кубанцев бошлиқ бригаданинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Бу коллектив биринчилар қатори «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» мусобақасига қўшилган эди.

БУГУН

бригада бунёдкорлари Злобин методи бўйича муваффақиятли ишлашиб, Пишпек кўчасида бунёд этилаётган тўрт қаватдан иборат 32 квартирали турар-жой биносида қурилиш ишларини тугаллаб, уни фойдаланишга топшириш тахт қилиб қўйдилар.

Объектда қурилиш ишларини Злобин методи асосида олиб бориш қурувчиларга кунлик нормаларини 125—130 процент бажариш имконини берди. Бу турар-жой биносида сайкал ишларини 2-пардозлаш трестининг 42-қурилиш бошқармаси бригадалари олиб боришди. Бундан ташқари мазкур жойда яна битта тўрт қаватли 24 квартирали турар-жой биносини фойдаланишга топшириш тайёргарлик кўрилмоқда.

Студентларга туҳфа

Э. Хушбахтиев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси 1-трестнинг 70-қурилиш бошқармаси бригадалари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилиб, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини юксак меҳнат мароми билан бошлади.

— Бу коллектив,— дейди бошқарма иш ҳақи ва меҳнат бўлими бошлиғи Г. Давлатбоева — кварталдан кварталга биринчи ўринни эгаллаб келяпти. Коллектив Злобин методи бўйича ишлаб, кунлик топшириқларини 25—30 процентга ошириб адо этмоқда.

БУГУН

қурувчилар Студентлар шаҳарчасида Тошкент Давлат университети талабалари учун қурилаётган 224 ўринли тўққиз қаватли бинода қурилиш ишларини ниҳоясига етказдилар.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БУЮРТМАГА БИНОАН

БУГУН

пойтахтимиздаги «Ташхимсельмаш» заводига Афғонистон Демократик Республикаси ҳамда Ангола Республикасидан буюртма тушди. Ана шу буюртмага биноан корхона мазкур республикаларга ОВХ— 14 ва КВ— 4А маркали машиналардан 40 дона тайёрлаб беради. Заводда ушбу машиналар снфатли ва мустаҳкам қилиб ишлаб чиқарилмоқда. Худди шундай машиналарни завод Куба ҳамда Вьетнам республикалари учун ҳам тайёрлаб бериши керак. Йил охиригача буюртмачилар шаҳримиздаги корхонадан 100 дан ортиқ машина олишади.

Корхона ўтган йилги маҳсулот экспорт қилиш планини муддатидан илгари бажарган эди. Йил давомида буюртмачиларга бир юз элликка яқин машина жўнатилди. Айни пайтда заводнинг ҳорижий буюртмачилари сони 20 мамлакатдан иборатдир.

Шу кунларда корхона коллективи «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусига сидқидилдан қўшилиб, бу муборак санани катта муваффақиятлар билан кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатмоқда. Бу ерда ташкил қилинган социалистик мусобақа яхши самаралар бермоқда. Корхонанинг юзга яқин ишчиси айни пайтда шу йилнинг иккинчи ва учинчи кварталлари ҳисобига меҳнат қилмоқда.

✦ ЯНГИЛИК! ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Ягона тўлов ҳужжати

Ҳаммамизга маълумки, квартира, электр, телефондан фойдаланилганлиги учун тўланадиган ҳақнинг ҳужжатлари шакли бирмунча ноқулай. Квартира, коммунал хизматн, электр қуввати ва телефон учун ҳақ тўлаш бўйича ягона дафтарча яратиладими? Мухбиримиз ана шу савол билан Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи Усмон Аҳмедович РИЗАЕВга мурожаат қилди:

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгилаган тадбирларга биноан уй-жой майдони, коммунал хизмати, электр қуввати ва телефон учун ягона тўлов ҳужжатини қўллаш қоидалари бир йил мобайнида район уй-жой бошқармалари, шаҳарнинг иқтисодий хизмати раҳбарлари билан ишлаб чиқилди.

Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармаси, республика коммунал хўжалиги министрлиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бош ҳисоблаш маркази, СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Ўзбекистон республика Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ходимлари группаси Вильнюс шаҳрида бўлиб аҳоли тўловлари системасини тадбиқ этиш тажрибаларини ўргандилар.

Мутахассислар ягона тўлов ҳужжатини қайта ишлашнинг автоматлаштирилган системасини тажриба тариқасида тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. Бу ишни Фрунзе район уй-жой бошқармасидан бошладик. Район шаҳар марказида жойлашган бўлиб, унинг ихтиёрида учта уй-жой эксплуатация конторасн бор. Бу конторалларга маҳаллий Советларга қарашли уйларда яшайдиган 7500 квартира эгаси қарайди. Шаҳар аҳолисининг бундай катта қамрови автоматлаштирилган тўлов системасини йўлга қўйиш имкониятини беради. Бунинг учун район ремонт кассаларида Курск заводида ишлаб чиқарилган «Искра-341» маркали янги ҳисоблаш машиналари ўрнатилган. Агарда тўлов ҳужжати тўғри ва чиройли тўлдирилган бўлса, электрон машина ҳисоб-китобни зудлик билан бажаради ва квартира эгасининг қўлига квитанцияни беради.

Ҳисоб дафтарчасида квартира эгалари учун эсдалик ёзилган бўлиб, унда тўловларни қандай тўлдириш лозимлиги бандма-банд тушунтириб берилган. Унда ЖЭК ва ЖЭУларнинг кундалик ишлаш тартиби, шаҳар газн, «Водоканал» трести, «Таштеплосет» идораси ва бошқа ташкилотларнинг марказий диспетчерликлари телефонлари кўрсатиб ўтилган. Автоматлаштирилган тўлов системасини шу йилнинг иккинчи ярим йиллигида Ленин районида тадбиқ этиш мўлжалланган.

Шу кунларда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ҳисоблаш маркази «АСУ — алмашиш», «АСУ —«Водоканал» каби бошқа системаларни ҳам ишлаб чиқмоқда.

Тўловнинг автоматлаштирилган системасини шаҳар бўйича ҳозирча тадбиқ этиш ва фойдаланиш учун бош ҳисоблаш марказининг техника базаси етарли бўлмаганлиги учун ҳам барча қизиққан ташкилотлар бош буюртмачи сифатида Давлат меҳнат омонат кассалари шаҳар бошқармасини тайинлайдилар ва ўз вақтида молиялаштириш ва бажарилган ишларни кузатиб бориш назоратини унинг зиммасига юклайдилар.

Яратилаётган системанинг идоралараро хусусияти электрон-ҳисоблаш машиналари билан ишлашнинг техникавий базасини яратишни, истиқомат қилинадиган уйларнинг қайси ташкилотга қарашлигидан қатъий назар квартира ҳақи ва коммунал хизмати учун ҳақ тўлашнинг ягона методини ишлаб чиқишни тақозо этади.

ПРАВДА саҳифаларида

✦ МПЛА — Меҳнат партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетининг секретари, Халқ ассамблеяси Доимий комиссиясининг (президиумининг) аъзоси Лусио Лара КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Ангола Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи сифатида расмий дўстона визит билан бугун Москвага келади.

✦ Грузия ССР меҳнаткашларининг 1982 йил ва ўн биринчи беш йилликка қабул қилган социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

✦ Навбатдаги «Ҳамдўстлик», «80-йиллар дунёси» саҳифалари, мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар ва спорт хабарлари босилган.

• Идеология ишлари хроникаси

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги идеология активи мактабида машғулотлар бошланди.

Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов лекция пропагандасини ташкил этиш, КПСС XXVI съезди талаблари асосида лектор кадрлар билан ишлаш тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

«Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари П. А. Богданов район ва бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Собир Раҳимов район партия комитетининг секретари Н. И. Иброҳимова, Сергели район партия комитетининг секретари Ю. В. Лемжин, Киров район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. Ф. Любимов ва «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев иштирок этдилар.

Робьёва «Билим» жамияти район ташкилотларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Идеология активи мактабининг биринчи машғулотида шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. Ф. Любимов ва «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев иштирок этдилар.

6-қурилиш трестининг 33-қурилиш бошқармасига қарашли прораб Очил Ҳамроев бошчилик қилаётган қурувчилар коллективи Собир Раҳимов районида Тошкент политехника институтининг 400 ўринли ётоқхонасини жадал суръатлар билан бунёд этмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) прораб О. Ҳамроев, дурадгор Б. Абдиев, бетончи Қ. Жуманов ва К. Аббосов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

• Маданият саройида

ОҒЗАКИ РАДИО ЖУРНАЛ

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида «Съезддан — съездгача», «Оламда нима гап» лекторийларн ишлаб турибди. Яқинда бу лекторийларда «КПСС XXVI съезди ҳозирги даврнинг халқаро аҳволи тўғрисида», «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини олқишлаб», «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга», «КПСС— совет халқи барча талабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси» деган мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

Бундан ташқари маданият саройи ташаббуси билан ташкил этилган оғзаки радио журналнинг ҳар бир сони ўзининг мазмунлилиги билан тикувчиларга манзур бўлмоқда. Куни-кеча бу радио журналнинг «Кундалик ҳаётнинг оҳангида» деган оғзаки сони саҳифаларида социалистик мусобақанинг бориши ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинди, ишлаб чиқариш илғорлари, касаба союз активи, саройнинг ва кутубхонанинг ходимлари сўзга чиқиб, улуғвор ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида амалга ошириладиган зафарли ишлар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА СУҲБАТ

Грецияда ўзгаришлар даври

Кичкина Греция мамлакати НАТОда ва Европа иқтисодий ҳамжамиятида кўтарган «исёни» билан бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилди. НАТОнинг бутун 32 йиллик тарихида биринчи марта шу блокнинг ҳарбий планлаштириш комитети ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган кенгашида якунловчи ҳужжат қабул қила олмади. Чунки Греция Туркиянинг ҳужумидан гарантия тўғрисидаги қоида ҳужжатга ёзилмаганлиги учун уни имзолашдан бош тортди. Айни вақтда Греция бош министри А. Папандреу мамлакатнинг НАТОга қайта қўшилиши тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши қисман тўхтатиб қўйилади, деб эълон қилди.

Шундан кейин яқин кунларда Греция «Умумий бозор» иштирокчилари мамлакатининг Брюсселдаги кенгаши ахборотини — Польшадаги воқеалар муносабати билан СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши ҳуруж қилган шу ҳужжатнинг бир қанча қоидаларига норозилик билдириб, уни имзолашдан бош тортди. Ҳукуматнинг йўл-йўриғига қилоф равишда ахборотни имзолаган ташқи ишлар министрининг ўринбосари истеъфога чиқаридн.

Греция ҳукумати, шунингдек НАТО блоки билан тузилган шартномаларни қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида ва мамлакатдан ядро қуролининг барча турларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида музокаларни, АҚШ билан эса Греция территориясида жойлаштирилган Америка базаларини тугатиш графиги тўғрисида яқин орада музокаралар бошлаш ниятида эканлигини билдирди. Ҳукмрон Умумгреция социалистик ҳаракати расмий органи—ҳафталик «Экономисис» газетаси Рейган маъмуриятининг Советларга қарши авантюристик сиёсатини танқид қилиб чиқди, унинг шарқ билан конфронтация йўли жиддий оқибатлар келтириб чиқаришини, таъкидлади.

Ҳозирги Греция ҳукумати ташқи сиёсати мамлакат жамоатчилигининг унга қилаётган таъсирини акс эттиради. Греция жуда кучли тинчлик юришлари бўлиб ўтди. Бир миллиондан ортиқ греклар Ғарбий Европада «першингларнинг» ва қанотли ракеталарнинг жойлаштирилишига қарши, нейтрон бомбани тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатномани имзоладилар.

Греция халқи яқинда ҳокимиятни қўлга олган Умумгреция социалистик ҳаракат партиясига мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштиришни, монополияларнинг, шу жумладан ажнабий монополияларнинг ҳукмронлиги чеклаб қўйилишини, экономиканинг бир қатор асосий тармоқлари давлат ихтиёрига олинишини, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишни талаб қилмоқдалар. Греклар мамлакатнинг «Умумий бозор»га қўшилишидан келиб чиққан ҳалокатли оқибатлардан ташвишланмоқдалар.

Ҳукумат бир қанча иқтисодий тадбирлар кўрилажагини, шу жумладан, иш ҳақи ва пенсиялар кўпайтирилишини, айни вақтда нархнаво ҳам оширилишини эълон қилди. Лекин ҳукумат ҳозирча ваъда қилган ислоҳотларини амалга оширишга шошилмаяпти. Греция Компартияси Умумгреция социалистик ҳаракат партиясини қатъиятсизлиги учун танқид қилди.

АҚШнинг мададига таянаётган реакция мамлакатдаги ўзгаришларга қаршилик кўрсатиб, кейинги вақтларда ўз фаолиятини анча кучайтирди. Вашингтон ўзининг ўжар иттифоқчисини «тинчлантиришга» уриниб, Афинага жонжаҳди билан тазйиқни кучайтирмоқда. Худди ана шу АҚШ маъмурлари ўтган йили «керак бўлиб қолган тақдирда» Грецияда 1967 йилдагига ўхшаш ҳарбий тўнтариш бўлиши мумкинлиги ҳақида очиқдан-очиқ шаъма қилдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси мамлакатда кескин ички сиёсий кураш янада кучайишидан дарак бермоқда.

И. АБЛАМОВ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТНИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ, ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ЎРНАТИЛГАН ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

МУҚАДДАС БУРЧ

Пойтахт меҳнат коллективлари партия XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу борада КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленумининг қарорларини бекаму-кўст адо этиш ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг жанговар ҳаракат программасидир. Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун кураш шаҳримизни иқтисодий ва социал ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган ҳар бир меҳнат коллективи ғайрат-иштиёқига ҳамоҳанг бўлмоқда.

Қуйида Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари Геннадий Гаврилович ВНУЧКОВ махсус мухбиримиз билан суҳбатда районни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган районга айлантириш борасида қандай тадбирлар олиб борилаётгани ҳақида сўзлаб беради.

— Геннадий Гаврилович, маълумки, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ҳаммамиз учун ҳурматли Шараф Рашидович Рашидов Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш тўғрисида XXII шаҳар партия конференциясида ёдингизда бўлса, шундай деган эди: «Бугунги Тошкент Улуғ Ватанимиздаги барча халқларнинг дўстлиги ҳамда қардошлиги шаҳридир. Тошкентликлар қолоқларсиз ишлаб, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Лекин республика пойтахти барча соҳада намуна бўлмоғи лозим». Шундан буён орадан унчалик кўп вақт ўтгани йўқ. Пойтахт коллективлари енг шимариб ишга киришдилар. Айтингчи, район партия комитети бу юксак вазифани бажариш учун нималар қилаяпти?

— Ҳақиқатан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети шаҳардаги барча район партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари олдига Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш жуда катта ва масъулиятли вазифа қўйган эди. Бугунги кунда шуни фахр билан айтиш мумкинки, бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Лоақал, районимизда олиб борилаётган ишларга бир назар ташлайлик. Фақат ўтган йил якунларига кўз югуртсак, бунга яқол ишонч ҳосил қиламиз. «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида социалистик мусобақа бўйича районимизда бошланган ватанпарварлик ташаббуссини шаҳар партия комитети маъқуллаб, қарор қабул қилди. Район меҳнат коллективлари партия XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, юксак меҳнат ва сиёсий активлик вазнятида ишладилар. Энг муҳими эса, район меҳнаткашлари партиямизнинг «Экономика тежамли бўлиши керак» шиорига амалий иш билан жавоб бериш ва интилмоқдалар. Меҳнат коллективлари ўртасида «Самарали, сифатли, қолоқларсиз ишлайлик», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириқларини бажарамиз», «Беш кунлик топшириқни — тўрт кунда» каби қимматли ташаббуслар кенг оммалашди. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ташаббус эса бутун район коллективларини н и г юксак сиёсий ва меҳнат активлиги ифодаси бўлди.

Хўш, дастлабки натижа қандай? Қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган йили саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани муддатидан илгари адо этилди. Планга қўшимча 24,3 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинди. Йил бошидан эса 6 минг 500 тонна қора ва рангли металлар, 27,4 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежашга эришилди. Район қурилиш ташкилотлари 54,5 минг квадрат метр турар жой биноларини фойдаланишга топширдилар. Транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларнинг меҳнатчилари ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришдилар. Булар ҳаммаси район партия комитетининг, бошланғич партия ташкилотларини и н г ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари натижасидир.

Райком бюроларида, бошланғич партия ташкилотларида ва аҳоли турар жойларидаги йиғилишларда намунали районга айлантириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган эди, уларнинг ижроси мунтазам муҳокама этиб келинди. Сезган бўлсангиз керак, районни намунали районга айлантириш асосан икки йўналишда — меҳнат коллективларида ва аҳоли турар жойларида комплекс суратда олиб борилянти.

— Бунда район координацион совети қандай роль ўйнаяпти? Ахир, у барча ишларни муайян бир йўналишга солишда, мураккаб ва кўп қирорали ишга комплекс ёндошишда етакчи бўлиши керак!

— Ҳақ гап. Район партия комитети бюроси ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети қарори билан район координацион совети тузилган эди. Совет ишига район партия комитетининг биринчи секретари Фазлиддин Насриддинович Нажмиддинов раислик қилмоқда. Унинг составида учта секция иш олиб борянти. Биринчи секция — аҳоли ўртасида ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш секциясига район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Сергей Яковлевич Царфиров бошчилик қилянти. Бу секция ҳар ойда икки марта йиғилиш ўтказиб, қилинган ишлар ва режаларни муҳокама этаянти. Бундан ташқари, жамоат тартибини сақлаш ва тартиб бузишларининг олдини олиш ҳамда микроучасткала р н и ободонлаштириш ва уларнинг моддий-молиявий базаларини мустаҳкамлашга оталиқ ёрдами кўрсатиш секциялари иш олиб борянти.

Район партия комитети қарори билан районда 26 та микроучастка тузилган. Уларнинг ҳисоботлари мунтазам эшитиб борилмоқда. Ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш секцияси қизиқарли ва мазмундор лекциялар, китобхонлар конференциялари, ота-оналар конференцияларини уюштирянти. Микроучасткаларнинг советлари маҳалла ва ЖЭКлар билан ўзаро алоқани кучайтириб, катта вазифаларни амалга оширянти. Микроучастка советлари ва улар секцияларининг иш планлари тузилган ва тасдиқланган.

— Кейинги вақтларда қайси микроучасткалар советларининг ҳисоботлари эшитилди?

— Масалан, кейинги икки йил ичида барча микроучасткалар ҳисоботлари районда координацион советида тингланди. Уларда ижобий ишлар қайд этилди. 4-давлат лойиҳалаш институти директори А. Нурматов етакчилик қилаётган 1-микроучастка советининг ижобий ишларини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари Игорь Георгиевич Волков бошчилик қилаётган 16-микроучастка советининг ишлари ҳам диққатга сазовордир. Умуман олганда, совет йиғилишларида корхона ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари ва микроучасткалар аҳолиси ўртасида ўтказаётган тадбирлари ҳақидаги ҳисоботлар муттасил тингланянти. Айниқса, кўргазмали агитацияга, бўш вақтларни кўнгилли ўтказишга эътибор қаратилянти. Юқоридаги микроучасткаларда спортнинг барча турларига оид ускуналар билан жиҳозланган «Саломатлик шаҳарча»лари барпо этилди, оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилди. Бундай шаҳарчалар барпо этилиши шаҳар физкультура ва спорт бўйича координацион совет томонидан маъқулланди.

— Аҳоли турар жойларида қандай ишлар қилинянти?

— Айниқса оммавий-сиёсий ишларни ташкил этиш юзасидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Районда Улуғ Ватан уруши ветеранлари шаҳар секциясининг аъзолари билан 50 дан зиёд учрашувлар ўтказилди. СССР 60 йиллиги ва Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига тайёргарлик муносабати билан микроучасткалар советларининг фаолияти янада жонланиб кетди. Бир қатор микроучасткалар советларининг бу щонли саналарини муносиб кутиб олиш юзасидан тузган тадбирлари конкретлиги ва мазмундорлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, микроучастка моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам муайян ишлар қилинди. Майдонларни ободонлашт и р и ш, спорт ва турли мусобақалар ўтказиладиган майдонлар чиройини очишга ҳам эътибор берилянти. Турар жой бинолари, ҳовлиларнинг ташқи кўринишини ва санитария аҳволини яхшилаш юзасидан тадбирлар кўрилмоқда.

— Бу борада ҳали ҳал этилмаётган муаммолар, камчиликлар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтишингизни истардим.

— Албатта, беш қўл баробар эмас. Шундай корхоналар ва ташкилотлар борки, улар барча ишларни комплекс олиб боришнинг уддасидан чиқишади. Масалан, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва кўприк темир-бетон конструкциялари заводи коллективларини олайлиқ. Бу корхоналарга коммунистик меҳнат корхонаси, деган шарафли ном берилган. Бу коллективлар ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигини таъминлашга интилмоқдалар Хуллас, «Намунали» номини олиш учун ҳамма жойда кураш қизғин. Бироқ, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари заводи кўргазмали агитациянинг бой воситаларидан самарали фойдаланяпти. Корхона базасида кўргазмали агитация бўйича шаҳар семинари ўтказилди. Унда бу коллектив кўргазмали агитация бўйича кўрик-конкурсида биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда эса санитария-техника ускуналари, синтетик ювиш воситалари заводлари, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 46-автобаза ва бошқа базси корхоналар идеология ишининг бу муҳим участкасига етарлича эътибор беришмаяпти. Ёки «Ташсельмаш» заводини олиб кўрайлик. Бу ерда меҳнат кўтаринкилигини таъкидлаган ҳолда «саломатлик шаҳарча»сини битказишга етарлича эътибор берилмаяпти. Худди шундай ҳолни 46- ва 145-автобаза ва бошқа корхоналарда кўриш мумкин. Бу борада улар В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари заводи синфари корхоналардан намуна олишлари керак, албатта.

Партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида сўзлаган ёрқин нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев: **«Уюшқоқлик, ишчанлик, интизом — марказда ҳам, жойларда ҳам энг зарур талаблардир»** деб таъкидлаган эди. Намунали коммунистик шаҳар деганимизда маданияти, онги юксак даражада бўлган кишилар яшайдиган шаҳар, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарни тасаввур этар эканмиз, демак биз ҳаммамиз бу ишга муносиб ҳисса қўшишни ўз муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Суҳбатни
Ҳ. ИКРОМОВ
олиб борди.

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ

БЕТОН ПИШИҚРОҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Ленинградлик олимлар таклиф этган қаттиқлаштирувчи химиявий активаторлар йирма темир бетон ишлаб чиқариш жараёнини анча тезлатишга ва унга кетадиган энергия сарфини камайтиришга имкон беради.

Бу ердаги «Баррикада» ишлаб чиқариш бирлашмасида активлаштирувчи янги моддалар синовлари муваффақиятли ўтди. Бу моддалар тайёр бетон сифатини яхшилабгина қолмай цемент истеъмолини камайтиришга ҳам имконият беради. Ленсовет номидаги технология институти, темир йўл транспорти инженерлари институтининг ишлаб чиқарувчилари, олимлари ҳамда «Главленстройматериали» бошқармаси мутахассисларининг ижодий ҳамдўстлиги натижасида муваффақиятга эришилди.

— Бетон аралашмасига қўшилган активаторимиз унинг қотишини тезлатиб, бўлатиш учун сарфланадиган энергия истеъмолини қариб учдан бир ҳисса камайтириши тадқиқотлардан маълум бўлди, — деди иш раҳбари, технология институти кафедрасининг мудири, профессор М. Сичев. — янги активаторларнинг келажаги порлоқ, чунки уларга химия ва кончилик саноатининг чиқитлари негиз бўлиб хизмат қилади. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра биргина корхонанинг ўзида янги моддаларни саноат қўламида қўллаш иқтисодий самараси йилига ярим миллион сўмни ташкил қилади.

(ТАСС.).

«Узирмаш» бирлашмасининг Тошкентдаги тажриба-механика экскаватор ремонти заводи «ОПМ—6» маркали конструкцияси такомиллаштирилган кўчма ётоқхона ишлаб чиқаришга киришди. Вагонча шаклида ишланган бу ётоқхона дала шароитида механизаторлар, ирригаторлар ва қурувчиларнинг яшаши учун мўлжалланган. Юмшоқ мебель, уч кўзли газ плитаси, холодильник, каттагина шкаф — буларнинг ҳаммаси ётоқхонага қулайлик ва шинамлик бахш этади.

Бу йил корхона бундай ғилдиракли ётоқхоналардан 60 тасини тайёрлайди.

СУРАТДА: ётоқхона ошхонасида.
Р. Шамсиддинов фотоси.

(ЎзТАГ).

Элга хизмат—олий ҳиммат

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Республикамиз пойтахтидаги Волга автозаводининг «Жигули» машиналарига хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган автомарказ яқиндан бошлаб йирик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Эндиликда бу бирлашма ихтиёрига республикамизда г и Волга автозаводининг бир қатор техник хизмат станциялари ҳам ўтказилиб, уларда машиналарга тез ва малакали, сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Жумладан Бухоро шаҳри, Фарғона водийси ва Тошкент областининг бир қатор йирик аҳоли яшаш пунктларида янги хизмат кўрсатиш станциялари очилиб, уларда янги диагностика анжомлари ўрнатилмоқда.

Ҳозирга қадар Тошкент шаҳри ва пойтахт области аҳолиси янги «Жигули» автомашиналарини автомарказ қошидаги магазин орқали харид қилишарди. Яқиндан бошлаб эса аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Олмалиқ шаҳрида Тошкент области меҳнаткашлари учун «Жигули» машиналари сотадиган янги магазин ишга туширилди. Бу ерда янги хизмат кўрсатиш станцияси ва эҳтиёт қисмлар сотиладиган магазин ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Шу йилнинг иккинчи кварталидан бошлаб «Жигули»ларнинг янги модификациядаги ВАЗ—2107 машиналарини ҳам ода бошлаймиз, — дейди Волга автозаводининг Тошкентдаги ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаси директори А. В. Вадзин. — Бу янги хил машиналарга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида яқинда бирлашмамизнинг 20 дан ортиқ мутахассис усталари Тольяттидаги Волга автозаводига жўнаб кетишди. Улар бу ерда бир ой давомида ВАЗ—2107 машиналарига хизмат кўрсатиш бўйича малака ошириб, улкан корхона ишчиларига яқиндан ёрдам беришади.

Бу йил бирлашма ихтиёридаги техник хизмат кўрсатиш станциялари ишлаб чиқариш қувватлари анча оширилади ва янги станцияларни ишга туширишга кўзда тутилмоқда.



ЯМАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Аданнинг қадимий Кратер районида сув тўпланадиган иншоотлар. Археологлар уларни эрамизнинг биринчи асрида қурилган деб ҳисобламоқдалар. 18 та сув тўпланадиган иншоотдаги сув миқдори 90 миллион литрни ташкил этади. Қадимда шаҳар ана шу сувлардан ичимлик сифатида фойдаланган.

БТА—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Бир ярим баравар ўсди

Шу беш йилликда Болгария химия саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баравар кўпаяди. Химия ишлаб чиқаришини комплекс модернизациялаш ва реконструкция қилиш, унинг структурасини такомиллаштириш программаси, шунингдек, Социалистик Иқтисодий Интеграцияни кучайтириш бу соҳани тез ўстиришнинг асосидир.

Болгария — кальцийланган сода, азотли ўғитлар, антибиотиклар, эфирли мойлар, ўсимликларни ҳимоя қиладиган турли дориворлар ва оз тоннажли химиянинг бошқа маҳсулотларини энг кўп экспорт қиладиган мамлакатларнинг биридир. Ўтган йили биргина «Химимпорт» ташқи савдо бирлашмасининг товар оборoти 3,5 миллион левга етди, бунинг 70 проценти СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди. Ҳозир Болгариянинг экспорт қилаётган моллари рўйхатида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши доирасида ихтисослашув йўли билан ишлаб чиқарилаётган химия маҳсулотларининг 200 дан ортиқ тури бор.

ИХТИСОСЛАШУВ АСОСИДА

ПРАГА. Жами 800 минг тонна дон сиғадиган ва металлдан ишланган ўнта йирик элеваторни шу беш йиллида Чехословакия саноати СССРга етказиб беради. Автомат озуқа заводлари 10 та дон омборининг таркибий қисми бўлади, бу заводлар ҳар йили чорвачилик учун 300 минг тонна донадор ем ишлаб чиқаради.

Бу элеваторларни Ўзаро Иқтисодий Ердам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш ва ихтисослашаётган Пардубицедаги «ТМС» заводи тайёрлайди. 70-йилларнинг охирида корхонада ишга туширилган янги ишлаб чиқариш комплекси «ТМС» коллективига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини 1982—1985 йилларда икки баравар кўпайтириш имконини беради. Пардубице заводи элеваторлар билан бир қаторда қардош мамлакатларнинг бюртмаларига мувофиқ дон қуритиш қурилмалари, нонвойчилик асбоб-ускуналари, шунингдек чорва фермалари учун озуқа тарқатиш механизмлари ҳам тайёрлайди.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

ГАВАНА. Рационализаторлар билан ихтирочилар Кубада социализмнинг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг хилма-хил фаолияти мамлакатда кенг эътироф қилинди. Масалан, Ольгин шаҳридаги ишчи Сэнчес Сильванинг автобусларни ремонт қилишда ишлатиладиган камчил деталларни ясайдиган механизми ҳозиргача 50 минг песони тежаб қолди. Гаваналик инженер Хосе Мартиннинг лойиҳасига мувофиқ қурилган қўёш коллектори қурилиш министрлигининг биноларидан бирини ва унинг ёнида жойлашган болалар боғчасини кечаю-кундуз иссиқ сув билан таъминлаб турибди.

Ихтирочилар ва рационализаторлар миллий уюшмаси ҳозир 42 минг кишини бирлаштириб турибди. Унинг комитетлари республиканинг деярли ҳар бир корхонасида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Энергия, хом ашё ресурсларни тежашга хизмат қиладиган техникавий ташаббуслар чинакам оммавий тус олди.

Тинчликка қарши игвогарлик

Польшани, умуман Европадаги аҳволни беқарор қилиш ва чиғаллаштириш манбаига айлантириш умидидан ҳали ҳам қайтмаган Вашингтоннинг сиёсати бутун дунёда кескин қораланмоқда. Чет эл мамлакатларининг давлат ва жамоат арбоблари, нуфузли оммавий ахборот воситалари Рейганнинг СССР ва ПХРга нисбатан эълон қилган «жазо чоралари» хусусидаги танқидий мулоҳазаларида бу чораларнинг тутуруқсизлигини уқтириб ўтмоқдалар ҳамда АҚШнинг Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларнинг барбод қилиш йўлидаги уринишларига кескин қарши чиқмоқдалар.

Ўтган ҳар бир кун Р. Рейган эълон қилган «жазо чоралари»нинг бемаънилигини қайта-қайта исботламоқда, деб ёзади Болгариядаги «Отечествен фронт» газетаси. Ғарбий Европанинг раҳбарлари Вашингтон давлатлар ўртасидаги хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласида ҳар қандай масъулият туйғусидан маҳрум бўлиб қолганлигидан афсус қилаётганликлар и н и яширмаяптилар. «Жазо чоралари» Америка пропагандаси талқин этаётганидек, қандайдир «олий адолат» нишонаси эмас, балки халқаро кескинликни кучайтириш мақсадини кўзловчи игвогарлик эканлиги равшан бўлиб қолмоқда. Бу игвогарлик АҚШ президентига ўзининг ҳалдан ташқари катта ҳарбий ҳаражатларини оқлаш, қуролланиш пойгасини кучайтириш ва қандай қилиб бўлмасин СССРдан ҳарбий устунликка эришиб олишга уриниш учун керак бўлиб қолди.

Ғарбий Европа мамлакатларининг Рейган бошлаган авантюрачилик йўлига қўшилиши ҳозирнинг ўзидаёқ Ғарбий Европа учун жуда хатарли тус олган иқтисодий таназзулни тағин ҳам чуқурлаштиришга олиб борган бўлур эди, деб таъкидлайди Италияда чиқадиган «Унита» газетаси. Шунинг учун ҳам социалистик мамлакатларга асло ғайрихоҳ деб бўлмайдиган Италия саноатчилари конфедерацияси Рейганнинг «Ташаббуси»ни қўллаб-қувватлашга мутлақо мойил эмас.

Португалияда чиқадиган «Аванте» газетаси Рейганнинг жазо чораларини «совуқ уруш» замонларига қайтиш учун қилинган уриниш» деб таърифлаб, бундай деб ёзади: «АҚШ Ғарбий Европа мамлакатларининг СССР билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш муддаосига очиқдан-очиқ хилоф иш тутмоқда. Натижада Вашингтон халқаро майдонда тобора яккаланиб қолмоқда».

«Вашингтон маъмурияти Польшадаги социалистик тузумни тутатиш йўлидаги уринишларини бас қилмаяпти, — деб уқтиради Ғарбий Берлиндаги «Вархайт» газетаси.

— У ерда тартибни тиклаш ва граждан урушининг олдини олиш мақсадида конституцияга мувофиқ ҳарбий ҳолат эълон қилинганидан кейин империалистларни г р махсус маҳкамалари контрреволюци я н и қўллаб-қўлтиқлашнинг янги усулларини ишга солмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси АҚШ президенти халқаро майдондаги кучларнинг ҳаққий жойланиш характерини фахмлай олмайдиган, социализмнинг тарихий устунлигини тушуна олмайдиган сиёсатчилар категориясига мансуб эканидан яна бир карра далолат бериб турибди.

Бетараф мамлакат бўлмиш Швейцария Америкининг Польшага ва СССРга қарши «жазо чоралари»га қўшилмайди, деди Швейцария ташқи ишлар департаментининг расмий вакили Отмар Ўль.

Германия социал-демократик партияси Ғарбий Германия партиясининг федерал секретари П. Глоц Польшадаги воқеаларга нисбатан «Вазмин бўлиб туриш зарурлиги» тўғрисида гапирди, шунингдек «АҚШ тиқиштираётган бойқут чораларига қарши» эканини айтди. Германия социал демократик партияси правленияси президиумининг аъзоси Э. Эплер бундай деди: АҚШ тавсия этаётган чоралар кескинликни кучайтиришни билдиради, шу сабабли бу чораларга қарши ҳаракат қилиш зарур. Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳукуматлари АҚШга Польша Европада жойлашганини тушунтириб қўйишлари лозим. Польшада содир бўлаётган воқеаларга нисбатан қандай тутишни европаликлар ўзлари ҳал қилишлари керак».

«Шпигель» журнали бундай деб ёзади: «Вашингтон Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларини бузиш, кескинликни юмшатиш сиёсатини барбод қилиш йўлидан бормоқда. Шу сабабли ГФР ҳукумати америкаликларга қўшилишга мойил эмас». «Хандельсбат» газетаси бундай хулоса чиқаради: «ГФР ҳукумати ва савдо-саноат палаталарининг вакиллари: «Бойқут қилиш ва жазо чоралари тўғри эмас» деган равшан тезисни таърифлаб бердилар».

Американинг тараққийпарвар жамоатчилиги Р. Рейганнинг камситувчилик ҳаракатларини кескин танқид қилмоқда. «Оқ уй хўжайнининг сиёсати АҚШ ҳукмрон доиралари ўзларини бошқа давлатлар суверенитетидан устун қўйишга интилаётганларидан далолат беради, — деб уқтирди оқилона тинчлик тарафдорлари бўлган гражданлар ташкилотининг ижрочи директори Д. Кортрайт. — АҚШ маъмурияти нормал халқаро муносабат принципларига зид бўлган дағал ва калтабин сиёсатни танлаб олди. Шунинг учун ҳам бу сиёсат бутун дунёда қораланмоқда».

ПОРТУГАЛИЯ. Лиссабонда бўлиб ўтган намойиш: «Маблағ маорифга берилсин, урушга эмас! Ядро урушига қарши тинчлик учун!» шиори остида ўтди. 1981 йили озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 24,8 процент, кийим-кечак ва пойафзал нархи эса 25,1 процент ошди.

СУРАТДА: Лиссабондаги урушга қарши намойиш қатнашчилари.

АДН—ТАСС фотоси.

Наркотик моддалар мусодара қилинди

ЛОНДОН. Ўтган йили Англиянинг таможня ходимлари жуда кўп миқдордаги героинни мусодара қилдилар. Жами 16,3 миллион фунт стерлинг миқдоридаги салкам 87 килограмм ана шундай ғоят кучли таъсир қилувчи наркотик модда тортиб олинди.

Ўтган йили Англияда ҳаммаси бўлиб 51 миллион фунт стерлингдан ортиқ миқдордаги турли наркотик моддалар мусодара қилинди.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Наманган областининг савдо ташкилотлари вакиллари область маҳаллий саноати билан ҳалқ истеъмоли молларини етказиб бериш тўғрисида ўнлаб шартномалар туздилар. Шартномалар область маҳаллий саноати корхоналарининг буюмлари кўргазмаси бу ерга келганидан сўнг имзоланди.

Тол ва тут новдаларидан тўқилган мебеллар юқори баҳога сазовор бўлди. Харидорларнинг ана шу буюмларга бўлган талаби айниқса катта. Мўйна, металл, ёғочдан ясалган ажойиб ёдгорликлар ва буюмлар ҳам харидорларнинг зўр қизиқишига сазовор бўлди. Кўргазмада кийим-кечаклар кенг намойиш қилинган.

* * *

Ғиждувон район маиший хизмат комбинатида бир йўла иккита цех очилди. Биринчи цехга гилам тўқийдиган йигирмата дастгоҳ ўрнатилди. Бу цех ҳар ойда 400 квадрат метр миллий гилам буюмлари ишлаб чиқаради. Иккинчи цехда болалар кийимини тикиш йўлга қўйилган. Бу кийимларга талаб катта.

Самарқанд химия заводида темир йўл цистерналарини ювишдек сермеҳнат иш автоматлар зиммасига юкланди. Химикларнинг буюртмасига биноан «Уралгидрохим» институти махсус станциянинг лойиҳасини тузди, «Самаркандхимстрой» бирлашмаси ходимлари эса уни қисқа муддатда заводга ўрнатдилар. Бу станцияда цистерналар нефть маҳсулотлари ва бошқа суюқ юкларнинг қолдиқларидан тезгина тозаланади. Янгиликдан йилига 10 минг сўмлик иқтисодий самара олинмоқда.

* * *

Сирдарё автомобиль корхонасининг ҳар бир ҳайдовчисига энди йўлга чиқишдан олдин бир стакан сут ичиришади. Ремонт цехининг ишчиларига ҳам текин сут берилади. Корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этилганидан сўнг бундай имконият вужудга келди. Ёрдамчи хўжаликда ҳозир олтмиш бошдан ортиқ қорамол, қирқ бош қўй боқилмоқда. Шу кунларда автомобиль хўжалигининг ошхонасига ўз теплицасида етиштирилган лимонлар, янги узилган бодринг ва помидорлар келтирилди.

(ЎзТАГ).

Бўстон

Бу бўстон саҳнида
Гул кўп, ғалвон кўп...
Алишер Навоий

ЮЛДУЗИМ

Ойдан гўзал чўлпон юлдузи,
Ақлим олди бола ёшимда.
Шундан буён туни-кундузи,
Юлдуз ўйи менинг бошимда.
Лек, бир оқшом баҳор чоғида,
Кўк қаърига учди юлдузим.

Ўша-ўша тун қучоғида,
Порламади менинг юлдузим.
Ахир, бир кун порлаб чиқар деб,
Йўлларига кўз тутдим йиллар.
Юлдузгинам чиқмади қайтиб,
Юлдуз учун кўп экан йўллар...

* * *

Кўзларингда кулиб турай мен,
Офтоб бўлиб, ойдин ой бўлиб.
Кўзларингда кулиб турай мен,
Моҳтоб бўлиб, бир чирой бўлиб.

Кўзларимда кулиб тур сен ҳам,
Севги бўлиб, Садоқат бўлиб.
Ғам-аламга айланма ҳечам,
Ва кўзимдан кетма тўкилиб...

Нурриддин ОЧИЛОВ.

АРТИСТ

Кўксини эзса-да ғусса-ғам
Мажбурдир, саҳнада кулар у.
Ёки бахт қушини тутса ҳам
Саҳнада сочларин юлар у.
Ҳ, унга оғирдир ҳар ишда
Санъатга бағишлар бор кучин.
Бизлар-чи саҳнамас, турмушда
Артистлик қиламиз гоҳ нечун!!

Зафар КОМИЛОВ.

ЖОНАЖОН МАМЛАКАТ ҚУШИҚЛАРИ

«Ташкенткабель» заводи маданият саройнинг «Нюанс» эстрада ансамбли завод меҳнаткашларини таништирган янги программага барча қардош республикалар композиторларининг асарлари киритилди. Ҳаваскор артистлар бу программани Советлар мамлакати ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишладилар. Ансамбль ўз программасини Ўзбекистон касаба союзлари съездининг делегатларига, шунингдек оталиқдаги совхозларнинг деҳқонларига тақдим этадилар.

СУҲБАТЛАР... КИНО ЗАЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Республика кино ўйинтингловчиларни «Экономика тежамли бўлиши керак» мавзуидаги суҳбатлар туркумига таклиф этди. Суҳбатларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лекторлари, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари ўтказадилар. КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга бағишланган суҳбатлар билан бир вақтда бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш қилинади.

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ АСАРЛАРИ — НУКУСДА

Таниқли совет керамист рассоми А. Сотниковнинг «Қўзичоқ», «Отда сайр» асарлари Қорақалпоғистон АССР давлат санъат музейи фондларига қўшилди.

Нукусда рассомлик полотнолари, расмлар ва ҳайкалларнинг ноёб коллекцияси вужудга келди. Шу асрнинг йигирманчи йилларида ижод қилган москвалик рассомлар ана шу асарларнинг авторлари-дир. Бу ерда Н. Максименко, И. Ефимов, Р. Мазель ҳамда бошқа кўпгина кекси ва мўйқалам усталарининг минглаб асарлари намойиш этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ИШҚ ТАРОНАСИ

Дўстлар, мен айтайин, кўнглимни рўшно қилди ишқ,
Сирн пиҳонимни элга ошкоро қилди ишқ.
Яхшиларга эргашиб оламда ҳеч кам бўлмадим,
Эътибор тондим бу кун, халқимга ошно қилди ишқ.
Боғу бўстон ичра ўсдим, содда бир ўғлон эдим,
Шеърга ошиқ этдию охирда мулло қилди ишқ.
Кечалар ёлғиз кувончим, улфатим бўлди қалам,
Ҳар сўзимнинг бандини монанди дарё қилди ишқ.
Сен Расулий аҳли доно суҳбатида бўл мудом,
Кимки ялқов бўлса, охир юртга расво қилди ишқ.

Султон РАСУЛИЙ,
ишчи.



Бундан ўттиз йил муқаддам Тошкент тўқимачилик комбинатида халқ тасвирий санъат студияси ташкил этилган эди. Бу ерда корхонанинг юзлаб ишчи ва хизматчилари тасвирий санъат сирлари билан танишиш мактабини ўтадилар. Уларнинг кўпчилиги учун санъат доимий машғулотга, ишлаб чиқаришдаги фаолиятига яқиндан ёрдам берувчи муҳим воситалардан бирига айланиб қолди.

Тасвирий санъат халқ студиясида живопись, керамика, графика ва ҳайкалтарошлик секциялари мавжуд. Студия қатнашчилари Бутуниттифоқ, республика ва шаҳар кўргазмаларида, турли бадиий конкурсларда иштирок этишди. Энг яхши ишлар эса диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ҳозир студия қошида машғулот олиб боравётганлар ўз ишларини Ўзбекистон Рассомлар союзи Марказий кўргазмалар залида намойиш этишга тайёргарлик кўришяпти. Улар ўз асарларини бу ерда намойиш қилгач, Москвадаги Бутуниттифоқ кўргазмасига ҳам энг сара асарлари билан йўл олишади.

СУРАТДА: тасвирий санъат студиясининг керамика секциясида қатнашаётган Ринат Аллабердин ўз асарлари билан.

А. Рисқиев фотоси, (ЎзТАГ).

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

Ҳавас

Катталарнинг сўзига,
Доим қулоқ соламан.
Ишларидан ҳар доим
Мен ҳам ўрнак оламан
Кўп нарсани билади,
Ёши улуғ катталар.
Ҳар ишни ҳал қилади,
Ҳар юмушни уддалар.
Улкан-улкан ишларни,
Бажаради ўзлари.
Асло ерда қолмайди,
Айтилган гап сўзлари.
Ҳамма жойда уларни,
Ҳурматлашар одамлар.
Катталардан бошланар,
Келажакка қадамлар.
Дилдан ҳавасим ортар,
Кўрсам катта кишини.
Қадрлайман уларнинг,
Мен доимо ишини.

Жиблажибон

Жиблажибон
қуш кўрдим,
Сайрашини
хуш кўрдим.
Ўхшар экан чумчуққа,
Овози соз қушиққа.
Мени кўриб сайради,
Тинглаб,
кўнглим яйради.
Бу қушнинг тарихини,
Ажойиб таърифини,
Сўзлаб берганди акам.
Жиблажибон чинакам
Табиатга керак қуш,
Фойдали ва зиёрак қуш.
Пашша, чивинга қирон
Келтирар жиблажибон.
Яйра жиблажибоним,
Сайра жиблажибоним.
Қушлар ичра
беш кўрдим,
Сайрашингни
хуш кўрдим.

Саодат ТОЖИ.

Ё Ш Л А Р ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

БУГУН

Республикамиз пойтахти Тошкентда шаҳар комсомолкинг навбатдаги конференциясига бағишлаб ёшлар фильмлари ҳафталиги бошланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси томошабинларга энг яхши фильмларни ҳамда замонамиз ёшларига бағишланган янги картиналарни кўрсатади.

Барча кинотеатрлар бу ҳафталикда йигит ва қизларни тематик кўриклар, кино оқшомлари, фестиваллар, ижодий кечалар, мамлакатимиз ва республикамиз киностудияларида суратга олинган сўнгги картиналар билан таништиради.

Ёшлар фильмлари ҳафталигида тошкентликлар «Махсус эътибор зонаси да», «Севишганлар», «Бизнинг ёшлигимиз», «Буюк оқяқланглар», «Буни биз ўтмаганмиз», «Калит, ўзгага берилмайди», ҳамда «Ёш гвардия», «Пўлат қандай тобланди» кинокартиналарини кўрадилар.

Шаҳар экранлари бу ҳафталикда намойиш этадиган «Комсомол», «КАМАЗ — бу биз», «Атоммаш», «БАМда ажоллар қалай», «Ўзбекистон комсомоли» ва бошқа энг яхши ҳужжатли-хроникал фильмлар мамлакатимиз ва республикамиздаги кино ҳужжатчилар томонидан яратилгандир.

А. РАСКИН.

ҚАҲРАМОНЛИК ҚЎШИҒИ

КИТОБХОН КИТОБ ҲАҚИДА

Халқимиз талантларга бой. Айниқса 30-йиллар адабиётимиз саҳифаларини варақласангиз жуда кўп ажойиб истеъдодлар мавжуд бўлганини кўрасиз. Бу даврда яшаб ижод қилган истеъдодли шоирлардан бири Султон Жўра эди. У яратган асарлар урушдан илгариёқ халқимиз маданиятига жиддий ҳисса бўлиб қўшилганди.

Султон Жўра Улуғ Ватан уруши йилларида жанг қилган қардош Белоруссияда уни ўз фарзандлари сингари қадрлайдилар. Кўчаларга, мактабларга унинг номи берилган, унга бағишланган музей очилган. Белоруссия тупроғига қадам қўйган ҳар бир ўзбек фарзанди Султон Жўра жанг қилган жойларни, унинг қони тўкилган тупроқни, шоир номи билан боғлиқ бўлган музей, мактабларни зиёрат қилмасдан қайтмайди.

Омон Мухторнинг «Учқур поездлар» деб номланган қиссаси ўзбек элининг ана шу баҳодир ўғлони шоир Султон Жўра ҳаётига бағишланган. Қисса уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисм алоҳида номланади. Биринчи қисм «Қора кун» деб аталган. Унда Султон Жўранинг ёшлик даври, ота-онадан жуда эрта ажралиб, жигарларини ҳам йўқотганлиги, кейинчалик минг қийинчиликлар билан опаси Фотимани топганлиги, унинг ёрдами билан ўқиб, яхшигина муаллим ва шоир бўлиб етишганлиги ҳаётий деталлар билан ёритиб берилган.

Султон Жўра ҳаёт мураккаблигидан ва ниҳоятда эрта бошидан кечирган, эл дарди билан яшаган инсон эди. Унга табиат ҳам саховат кўрсатиб ажойиб умр кўйдоши ато қилди. Тўрт фарзандининг онаси Моҳира опа турмуш ўртоғи Султонга ҳамиша меҳрибон ва ҳамдард бўлган. Фашистларнинг Ватанимизга хиёнаткорона бостириб келиши кўплар қатори бу оиланинг ширин турмушига ҳам раҳна солди. Ватанига бўлган чексиз муҳаббати, соф виждони уни жанг майдони сари стакладди. У бир қўлида қалам, бир қўлида қўрол билан жангга кирди.

Қиссада биз Султон Жўра қиёфасида унинг ёшлиги ва оилавий ҳаёти билан танишишгина қолмасдан, янги социалистик жамият кишисининг маънавий баркамол образини ҳам кўрамиз. Омон Мухторнинг ёзувчи сифатидаги хизмати шундаки, у Султон Жўранинг ёшлик йилларини ва унинг шоир бўлиб етишган даврларини шунчаки баён қилмасдан, даврнинг умумий руҳини тасвирлашга ҳам ҳаракат қилган. Унинг таниқли шоир бўлиб етишишига имкониятлар яратиб берган ижтимоий ҳаёт тарзини реад акс эттирган. Бундан ташқари, шоирнинг институтдаги фаолияти, ўқитувчилик дарслари талабаларнинг ўз домдаларини севишлари. Султоннинг ҳам уларга нисбатан илиқ муносабати мазмунли тасвирланган.

Қиссанинг «Йўл» деб номланган иккинчи қисмида ёзувчи Султоннинг фронт сари йўлини тасвирлаш билан унинг руҳий оламини, ўйларини ҳам акс эттиради. Султоннинг инсоний қиёфаси, характеридаги саботматонат сафдош дўстларига муносабатда, машғулотларда яхши намоён бўлади. Ёзувчи Султонни фақат машғулотлар билан банд қилиб қўймайди, аксинча у ўз оиласи билан хат орқали боғланиб туришини ҳам изчил баён қилади. Унинг ҳар бир битган мактуби китобхонни қаяжонга солади: «Моҳирам, Эркам. Хушрўйим. Сенга, меҳрибон ойижонга, таъмли-тотли, шириншакар болаларим — Ботирим, Нуриям, Румиям. Илҳомиямга соғинчли саломлар йўллайман. Мени сизлар олти юрак бўлиб бир соғинасиз, биламан. Мен эса шу олти юракда жойлашган чексиз соғинчни биргина юрагимга сиғдиришим керак...» Қандай ажойиб сўзлар. Кишини бехтиёр тўлқинлантириб юборади.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ у душманга қарши нафрат ва қаҳр-ғазаб билан тўлиб тошган оташин шеърлар битганди. Унинг шеърларида ҳар бир совет кишисига хос руҳий ҳолат яққол акс этган.

Султон Жўра машқлар билан бирга ўзининг севимли иши — шеър ёзишни ҳам давом эттирди. Унинг ҳаёлини банд қилган ва душманга бўлган нафратини янада оширган нарса — уруш оқибатида ўз тупроғидан ёпироққа кетаётган юпун болалар, қарияларнинг аянчли аҳволи эди. Буларни ўз кўзи билан кўрган Султон Жўранинг фашизмга бўлган нафрати минг чандон ортди. «Эҳ дунё. Лаънатлар, минг лаънатлар бўлсин қабиҳ Гитлер ва унинг бўри ҳаллодларига» деган нидо унинг юраги тубидан отилиб чиққан эди. Омон Мухтор асар қаҳрамони руҳиларини ва унинг шоир бўлиб етишган даврларини ва ўзидаги ўзгаришни ишонарли тарзда ифодалайди.

Қиссанинг сўнгги қисми «Шиддат» деб номланган. Ёзувчи унда Султоннинг жангга кириш лавҳаларини тасвирлаган. Муаллиф унинг характеридаги ўзига хос хусусиятларни очиш учун уруш лавҳаларини кенгроқ планда беради. Асарга немислар зулмидан жабр кўрган бир кампир воқеаси киритилган. Унда Султон Жўранинг ниҳоятда таъсирчан, чинакам шоиртабиат инсонлиги янада тўлақонли образ сифатида намоён бўлади.

Днепрда даҳшатли жанглар кетарди. Ана шу жанг йўлларида Султон Жўра партия сафига қабул қилинади. Асарнинг бу қисмида шоирнинг партия ва халққа садоқати, коммунистга хос ёрқин қиёфаси янада чуқуроқ намоён бўла боради. Аммо уруш қурбонсиз бўлмайди. Султон Жўра ҳам Ватан учун жанг йўлларида жон беради.

Омон Мухтор Султон Жўра ўлимини тасвирлар экан, ҳаётдаги мард ва фидойи кишиларнинг ўлими ҳам мардона бўлишини таъсирчан ифодалайди. Шоир ҳаёт билан видолашар экан, унинг кўз ўнгида туғилиб ўсган қишлоғи, опаси, укалари, Моҳира, қайнонаси, ширин-шакар фарзандлари, қорақўз талабалари — ҳаммаҳамма таниш-билишлари намоён бўлади. Қалбидан «Йўқ, мен ўлишим мумкин эмас, мен ҳали албатта уйимга қайтаман. Опаука, жигарбандларимни бир ерга тўплайман. Мен Ватаним, халқимга бундан сўнг ҳам хизмат қилаверишим аниқ...», деган нидо отилиб чиқади...

Қисса айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Ёзувчи кўп ўринларда ниҳоятда қисқаликка интилади. Бу, бир томондан яхши-ю, аммо шоирнинг руҳий оламини янада чуқуроқ тасвирлашга бир оз халақит берган.

Асардаги салбий тип Хўжақул образи ҳам ниҳоясига етказилмай қолган Баъзи ўринларда ҳарбий жанг картиналари юзаки ва кўрсатилган.

Омон Мухторнинг «Учқур поездлар» қиссаси инсоннят бахти, тинчлиги учун жонини аямаган халқимизнинг содиқ фарзандлари жасоратини акс эттирувчи асар сифатида китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Д. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ходими.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ҳ. ДАВЛАТОВА: Мен Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кундузги факультетида ўқийман. Ўқишдан ажралмаган ҳолда шоферлик касбини ўрганиш ниятиёким бор. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Тошкент шаҳар автоҳаваскорлар жамиятининг автомобиль мактабида кечки шоферлик курслари ишлаб турибди. Ана шу группада ўқишни истасангиз ўзингиз яшаб турган район ижроия комитетидаги автоҳаваскорлар жамияти район Советининг раисига мурожаат қилишингиз керак. Ана шу жамиятга аъзо бўлганлар шоферлик курсларига қабул қилинади.

⁂

Т. УСМОНОВ: Прокатга олинган бирорта буюмни умумий суммасидаги нархи тўланса бу буюм яна прокатга қайтариладими ёки фойдаланувчи кишига қоладими?

Жавоб: Шаҳримиздаги ҳар бир прокат пунктидан олинган буюм белгиланган муддатига етгач, унга қанча сўм тўланган бўлишидан қатъий назар қайтариб берилиши шарт.

⁂

Н. БОЗОРБОЕВ: Яқинда машинамнинг радиоси бузилиб қолди. Тузатиб беришларнинг сўраб бир неча жойга учрашдим. Афсуски радиони тузатишга олишмади. Энди бу радиони қаерда тузаттирсам бўлади?

Жавоб: Агарда машинангиз «Жигули—2101» маркали бўлиб, ундаги радиоприёмник Венгрияда ишлаб чиқарилган бўлса, бу маркадаги приёмникни фақат Халқлар дўстлиги проспекти бошланишидаги Волга автомобиль заводи филиалида тузаттиришингиз мумкин. Агарда бошқа маркадаги радиоприёмник бўлса шаҳримиздаги «Зангори экран» ательесининг барча пунктларига мурожаат қилинг. У ердаги усталар приёмникингизни тузатиб беришади.

⁂

А. ЭМИНОВ: Уйимиздаги китоб жавонининг ойнаси синиб қолди. Шуни қаерда тайёрлатиш мумкин?

Жавоб: Госпитал бозори яқинидаги маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли пунктда мебель ва китоб жавонига ўхшаш буюмларнинг ойна ва тоқ ойналарини буюртма беришингиз мумкин.

⁂

С. ҚОДИРОВ: Бузилиб қолган қулф ва калитларни қаерда тузатиб беришади?

Жавоб: Ленин проспектидаги маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчасида. Олой, Госпитал бозорларида «Металлобитремонт» комбинатига қарашли пунктлар жойлашган. Ана шу ерда хоҳлаган кўринишдаги калитлар учун буюртма бериб кўпайтириб олишингиз мумкин.

⁂

А. БУВАЕВ, А. ФОЗИЛОВ: Биз прокатдан телевизор олган эдик. Ана шу телевизоримиз бузилиб қолди. Прокат пунктига олиб борсак олишмади. Телевизорни тузаттириш керак экан. Энди бу телевизорни тузатиб беришлари учун устахонага олиб бориш керакми?

Жавоб: Сиз ўзингиз истиқомат қилиб турган Собир Раҳимов районидаги 1-Қорақамиш массивининг 1-микрорайонига жойлашган район маркази, «Зангори экран» устахонасига мурожаат қилинг. У ердан усталар келишиб, телевизорингизни уйингизда тузатиб беришади, агарда камчилиги кўп бўлса устахонага олиб бориб тузатишади.

⁂

А. РУСТАМОВ: Мен баъзи бир қийинчиликларимни бўйтмоқчи эдим. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Самарқанд автостанцияси яқинидаги Западная кўчаси 1-уйда шаҳар «Химчистка» идораси жойлашган. Ана шу идора пунктига мурожаат қилсангиз Сизга ёрдам беришади.

• КИНО ОЛАМИДА

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Комил Ёрматов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ўзбекфильм» киностудияси коллективи съездлар йилида зўр илҳом ва улкан масъулият билан ижод қилди. КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан руҳланган киночилар совет халқининг қаҳрамонона ишларини бадиий акс эттирган, шунингдек, тарбиявий аҳамияти жиҳатидан катта эътиборга лойиқ турли мавзу ва жанрдаги картиналар яратиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини меҳнат зафарлари билан якунладилар. Кино мухлисларга «Мана ўша йигит келди», «Учқур от изидан», «Бўйсунмас», «Етти умид камалаги», «Акмал, аждарҳо ва малика», «Москваликлар қадрдонларим», «Тилла жун», «Баланд қорли қоялар остидаги учрашув» каби бадиий, «Катта ва кичик», «Полиздаги эчки», «Девор» ва бошқа кўпгина мультипликацион фильмлар армуғон этилди.

Ўзбек кинематографчилари 1982 йилда мавзу ва жанр жиҳатидан яна ҳам ранг-баранг картиналар яратишади. «Олимнинг ёшлиги» деб номланган фильм тарихий мавзуда бўлиб, Абу Али ибн Сино ҳаёти ҳақидадир. Сценарий автори О. Агнцев, режиссёр Э. Эшмуҳамедов. Съёмкалар февраль ойида бошланади. «Сароб» фильми эса империалистик кучлар томонидан талон-тарож этилаётган Шарқ мамлакатларида ўз мустақиллиги учун курашаётган халқлар ҳақида ҳикоя қилади. Картина сценарийси А. Галеев қаламига мансуб. Режиссёр З. Собитов.

«Ўзганинг беш баҳоси» фильми сценарийси В. Малиновский томонидан ёзилган бўлиб, у мактаб ўқувчилари ҳаётига бағишланган. Унда ҳақгўйлик, меҳрибонлик, одамийлик фазилатлари таранним этилади. Фильм режиссёр Г. Бзаров раҳбарлигида ишланади. «Суюнчи» картинасида ҳам бир қатор маънавий-ахлоқий проблемалар кўтарилади. Фильм сценарийсини Р. Муҳаммаджонов ёзган, режиссёри М. Абзалов.

«Бурч» картинаси Ў. Умарбеков ва Б. Саяков сценарийлари асосида режиссёр У. Назаров томонидан ишланади. Бўлажак бадиий фильм урушдан қайтиб келмаган ўғлини кутаётган ота ҳақида ҳикоя қилади.

«Мангулик» картинаси ёзувчи Ҳамид Ғулом романи асосида режиссёр Мухтор Оғамирзаев томонидан яратилди. Шунингдек «Ўзбекфильм»да ҳар йилгидек кичкинтойларга мўлжаллаб саккизта мультфильм ҳам яратилади. Чунончи «Сеҳрли най» (сценарий автори ва режиссёри М. Боймуҳамедов), «Хўжа Насриддин» сценарий автори А. Бородин, режиссёр М. Маҳмудов), «Жонли лой» (сценарий автори Ж. Исҳоқов, режиссёр И. Кровошеева) каби мультфильмларда ёмонлик устидан ҳамиша яхшилик ғалаба қилади, деган фикр илгари сурилади. Фильм қаҳрамонлари болаларда меҳнатга муҳаббат уйғотади.

1982 йили студияда одатдагидек «Наштар»нинг 6 сони чиқарилади. Олтмишдан зиёд совет ва чет эл фильми ўзбек тилига дуближ қилинади.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам ўзбек кинематографчил а р и янада жозиба, халқ талабига жавоб берадиган киноасарлар яратишади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

АЛЬБОМ

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

ОҚШОМЛАРИ хиёбон болалар билан гавжумлашади. Уларнинг қий-чуви аллаваҚтгача янграб, яқинатрофни шовқинга тўлдириб туради. Қачонки рўзғорнинг кечки ташвишлари билан банд бўлган оналарнинг қўли юмушдан бўшаб, бирдан болаларнинг кўчада эканлигини, уларни уйга олиб кириш зарурлигини эслаб қолиб, нур тушиб турган балконларда болалар пайдо бўлгандагина шовқини барҳам топади. Улар оналарининг эркаловчи, дўқ-пўписали чақириқлари остида уй-уйларига тарқалишади...

Хиёбон бир зумда бўшайди-қолади. Бирдан борлиққа сукунат чўкиб, ҳозиргина болалар қайнаб тошган майдонда кимдир эсдан чиқарган бир пой ботинка, гилдираксиз ўйинчоқ-машина, сочсиз қўғирчоқ, секингина ғичирлаб тебранаётган арғимчоққина қолади.

Сигаретимни ташлаб, балконни энди тарк этмоқчи эдим, дафъатан кўзим майдон чеккасидаги синиқ скамейкада ўтирган Бахтиёрга тушиб қолди. Қизиқ, ёлғиз нима қилиб ўтирибди-ди?

— Бахтиёр! — дедим овоз бериб, — нима қилиб ўтирибсан бир ўзинг?

У ялт этиб мен томонга қаради, Тараддудланиб қолди.

— Ойимлани кутяпман. Нонга чиқиб кетгандилар, — деди.

Бахтиёр бизнинг подъездда турарди ойпси билан. Яқинда бу ширингина онланинг бошига мусибат тушди. Бола отасидан айрилганди. Шунинг учун бу жажжи болакайга қўшнилар кўлимиздан келгунча ғамхўрлик қилардик, унинг кўнглини олишга, ўксик руҳини кўтаришга тиришардик.

«Ҳойнаҳой бола фақирнинг қорни очдир», деган фикр келди хаёлимга.

— Бизаникига чиқ Бахтиёржон! Ойинг келгунча бизаникида ўтириб тур.

— Йўқ, ҳозир ойим келалла.

— Чиқ, чиқа қол, Бахтиёржон! — ялинадик, унинг кўнглини олишга ва ҳаракатидан бехтиёр альбом билан қизиқиб қолдим. Аммо боланинг мунгли нигоҳидан альбомни олишга тортинадим. Шунда туриб шкафдан маркаларга лиқ тўла альбомини мен томон сурди.

Уни варақлайман, варақлаган сайин, ичимдан зил кетиб варақлайман. Альбомнинг олтита вараги болаларча қийғир-қийшиқ ҳолда ёпиштирилган суратлар билан тўла эди. Булар марҳум қўшнимизнинг турли хил вазиятда тушган суратлари эди...

...Онаси келгач, Бахтиёр альбомини бағрига босганча чиқиб кетди. Эр-хотин бир-биримизга тикилганча туриб қолдик. У нималарни хаёлидан кечирди билмадиму, аммо мен чиройли-чиройли бир неча альбомнимда на унинг, на меннинг на ота-онамизнинг лоақал бирорта сурати йўқлигини ўйлаб ичимдан зил кетдим. Ўкинчдан манглайим терлаб, бир нуқтага тикилганча ҳайкалдек қотиб қолдим.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ.



1935 йили П. И. Чайковский номли Москва Давлат консерваторияси ҳузурида ҳарбий-дирижёрлик факультети ташкил этилган эди. Ана шу вақт ичида бу ерда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти оркестрлари ва ансамбларининг кўплаб дирижёрлари, бадиий раҳбарлари тайёрланди. Ҳарбий дирижёрлар раҳбарлигидаги оркестрлар жангчилар ва меҳнаткашлар ўртасида музикани оммавий лаштириш, рус, совет ва чет эл классикларининг энг яхши асарларини тарғиб этиш бўйича катта ишларни олиб боришляпти. Кўпгина ансамбллар мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам катта шуҳрат қозонди.

СУРАТДА: бўлажак ҳарбий дирижёрлар машқи.

Б. Кавашнин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Фан ва техника янгиликлари

Центрифугада... зилзила

Дахшатли ер ости офати центрифуга ичига олинди. Ўзбекистон Фанлар академияси институтларининг олимлари шунга эришиш учун махсус бир қурилма ишлаб чиқдилар. Бу қурилма ер ости магистрапларининг моделларини сейсмик синовлардан ўтказишга аталган бўлиб, зилзила тўла манзарасига таклид этишга имкон беради. Эндиликда тоннель, коллектор, қувур ариқ, гидростанция лойиҳачилари ортиқча ҳаражат қилмай иншоот пишиқлигини ҳисоблаш учун зарур маълумотларни ола биладилар.

Илгари моделлар портлаш, мураккаб вибрация механизмлари ёрдамида синалган бўлса, эндиги марказдан қочма метод анча арзонга тушади. Центрифуга белгиланган босимни вужудга келтиради, махсус қурилма эса синовчининг командасига биноан моделли капсулани қатиқ силкитади. Бундай «зилзила» кучини пастбаланд қилиш мумкин.

Марказдан қочма метод билан ер ости трассалари моделларини дастлабки синаш натижалари Тошкент метросига берилди.

(ЎзТАГ).

Қиринди—бир чимдим, холос

Мураккаб детали ясашда чиқадиган ҳамма чиқит бир чимдим қиринди ҳисобидан иборат бўлди, холос. Уни лаборатория тарозисига қўйилса 1 грамм чиқди. Илгари бўлса 10 баравардан зиёд кўп бўларди.

Бу деталь рўзғор холодильникининг компрессорида ишлатилади. Заводларда бу қўйилма заготовка бир неча станокда ишлов берилганидан сўнг олинади. Шу билан бирга тайёр маҳсулот вазнига нисбатан деталнинг учдан биридан кўпроқ металл чиқитга кетади.

Бутуниттифоқ рўзғор электр машиналари ва приборлари лойиҳа-технологик институтининг инженерлари (Кишинев) ишга киришгунларича бундай нобудгарчилик мукаррар ҳисобланарди. Улар порошокли металлургия методи билан ўлчамига мумкин қадар кўпроқ яқинлаштирилган деталь заготовкасини ҳосил қилдилар. Бир чимдим қиринди унинг нақадар аниқлиги ва тежамдилигидан далолат беради.

Бундай буюмнинг яна бир фазилати — унинг майда ғовакларидир. Ғовакка мой сингганч, деталнинг ишқаланиши ва едирилиши камаяди. Синовлар деталнинг гарантияли хизмат муддати қариб 20 йилга боришини кўрсатди.

Кишиневдаги Калинин номли тажриба заводи тежамли заготовкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундай заготовкалар Одесса ва Смоленскдаги буюртмачиларга юборилди. Холодильник компрессорлари ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар ҳам марказлашган усулда шундай деталлар билан таъминланиб туради.

Б. ГИССЕР,
ТАСС мухбири.

ГРАЖДАН МУДОФАСИ ИШЛАРИНИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРАЙЛИК

Тошкентда граждан мудофааси ойлиги бўлиб ўтди. Унинг асосий вазифалари — шаҳарнинг граждан мудофааси тайёргарлигини янада ошириш, аҳолига ялпи қирғин қуролларидан ҳимояланиш тадбирларини ўргатиш, ўқув-кўргазмали база ва пропаганда ишларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Ойлик давомида корхоналар ва ташкилотларнинг коллективларида кўплаб семинарлар, активистлар, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, лекция ва кино кечалари ўтказилди. Граждан мудофаасининг ўқув пунктлари, синфлари ва бурчакларини ташкил этишга ва янгилашга алоҳида эътибор берилди.

Ҳозир районларда раҳбарлик составининг ўқув методика йиғилишлари ўтказилмоқда. Уларда ўқув йили якунлари пухта таҳлил этилмоқда, белгиланган тадбирлар аниқланиб, уларга қўшимчалар киритилмоқда.

Якунлар чиқарилганда маълум бўлдики, халқ хўжалигининг кўпгина объектларида, ўқув юртларида, граждан мудофаасининг курсларида граждан мудофааси ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси активистларининг барқарор коллективлари таркиб топди. Улар партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида, граждан мудофааси штаблари ва курслари бошлиқларининг бевосита иштирокида шаҳар граждан мудофаасини янада такомиллаштиришга қаратилган катта ва муҳим ишни амалга оширишмоқда.

Бу соҳада Октябрь, Акмал Икромов, Собир Раҳимов ва Куйбишев районларида энг яхши натижалар қўлга киритилди. Ўтказилган ойлик граждан мудофааси системасида ўқув йили бошланишига тўғри келди ва бу албатта белгиланган тадбирларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлайди.

Граждан мудофааси курсларининг бошлиқлари, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, халқ хўжалиги объектларидаги машғулотларнинг группа раҳбарларининг йиғилишлари пухта тайёрланди ва ўтказилди. Ана шу йиғилиш ва семинарларнинг қимматли томони шундаки уларга тайёргарлик пайтида энг яхши группа раҳбарлари, ишлаб чиқариш мастерлари, штатсиз снёсий ходимларнинг тажрибалари системалаштирилди ва умумлаштирилди. Булар янги ўқув йилида жорий этишга тавсия этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, объектларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари граждан мудофааси вазифаларини ҳал этиш жараёнида бу тадбирларни ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши, иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши билан тадбиркорликни уйғунлаштириб олиб бормоқдалар.

П. ТИШЧЕНКО,
Тошкент шаҳар граждан мудофааси штаби бошлиғининг пропаганда бўйича ўринбосари.

ЁШЛАРНИНГ ТЕХНИКА ИЖОДИ КЎРГАЗМАСИ

Островский номли пионерлар саройида болаларнинг техника ижоди деб номланган республика кўргазмаси ташкил этилди. Саройнинг икки залидан ўрин олган бу кўргазмага ўқувчиларнинг 500 га яқин ижодидан намуналар қўйилган. Булар республикамиздаги мавжуд ёш техниклар станциялари қатнашаётган техникага ихлосманд ўқувчиларнинг ижодидир.

Ўқувчилар техниканинг барча турлари бўйича ижод қилишиб унинг айнан ўзига ўхшаш макетини яратишга муваффақ бўлганлар. Шуниси қизиқарлики, улар ижод этган техникаларнинг кўпчилиги автоматик равишда ҳаракат қилиб томошабинлар диққатини янада ўзига тортади.

Ёш ижодкорлар космос темасига катта эътибор беришган. Тошкентлик ўқувчилардан Р. Тарасинов, С. Шмильев, В. Понятов, В. Вигрускийлар раҳбари А. Поняюв бошчилигида мураккаб бўлган «Арион» деб номланган ўзи юрар планетаходни яратишган.

Ракета моделчилик тўгараги аъзоларидан И. Понятов билан Т. Бережнаялар ўзи ҳаракат қилувчи робот ижод этишди. Булардан ташқари ўқувчилар техникага катта қизиқиш билан қараб уларнинг турли-туман макетларини яратишди.

Ёшларнинг техника ижоди кўргазмасини Тошкентда таълим олишаётган бир группа афғонистонлик студентлар келиб кўришди. Меҳмонлар ўқувчилар ижоди билан тўлиқ танишишиб, уларнинг маҳоратига катта баҳо беришди.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) афғонистонлик меҳмонлар кўргазма залига қўйилган экспонатлар билан танишишмоқда: (пастда) «Арион» планетаходи ва келажак техникаси «Заря-1» кемаси. Уни самарқандлик ўқувчилар М. Ҳамидов ва Н. Файзуллиннлар тайёрлашган.

Х. Мирзакаримов фотоси.



ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА — ЭЪТИБОР

ФОЙДАЛИ ТАДБИРЛАР

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг география факультетида Ўзбекистон ССР география жамияти ва республика олий ва ўрта таълим махсус министрлиги илмий-методика кенгашининг география секцияси ҳамкорликда қўшма йиғилиш ўтказдилар.

Йиғилишда география жамиятининг кўп қиррали фаолияти ҳақида унинг илмий котиби, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси география бўлимининг мудири А. А. Рафиқов доклад қилди. Докладни муҳокама қилишда профессорлар З. М. Акромов, Ҳ. Ҳ. Ҳасанов, Н. А. Коган, қатор олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ўқитувчилари, область бўлимларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар география жамиятининг билимларни пропаганда қилишда, мактаб олимпиадаларини ўтказишда, қимматли китоб ва брошюраларни нашр этишида, Ўзбекистон ССР география комплекс атласини яратишда олиб борган катта ишларини таъкидлаб ўтдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбек Совет Энциклопедиясидаги материалларнинг 12 процентини ана шу жамиятнинг аъзолари ёзишган. Кейинги пайтларда табиат муҳофазаси проблемаларига бағишланган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Заҳириддин Бобир туғилган кунининг 500 йиллиги олдидан унинг география сифатида фаолиятига бағишланган илмий ишлар тайёрланмоқда.

Р. ОРТИҚБОЕВ.

◆ БИЛАСИЗМИ?

УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ

ЖАКАРТА. Индонезиядаги узоқ умр кечираётганлардан бири деҳқон аёл Суря чеҳрадан табассум аримаслиги, очиқ ҳавода кўпроқ ишлаш—узоқ умр кўришнинг сиридир, деб «Синар харапан» газетхонларига маслаҳат беради. Суря 182 ёшдаман, дейди!

Ҳа, дарвоқе, унинг ёшини аниқ ҳужжатлар билан текшириб бўлмайди, деб таъкидлайди газета, лекин бу индонезиялик саводсиз аёлнинг ўтган асрдаги воқеаларни ғоят аниқлик билан ҳикоя қилиб бериши Сурянинг гаплари тўғрилигини тасдиқлайди.

Ҳозир Суря Ява оролининг шарқидаги қишлоқлардан бирида яшаяпти. У тетик, бардам бўлиб, ёшлар билан баб-баравар ишлямоқда, Суря 182 йил мобайнида 39 марта турмушга чиққан; деб хабар қилади газета.

ТЕКИНХЎРГА ШАВҚАТ ИУҚ

ФИРИБГАР ВА ЛАҚМАЛАР

Усмонали деҳқончилик қилишга уриниб кўрди, бўлмади. Сермеҳнат, турган-битгани машаққат экан. Шундан кейин осонроқ, ҳамиша чўнтагига пул келтириб турадиган касбни топишга аҳд қилди. Фирибгарликни танлади.

Илк бор эски таниши Тошкент аэропорти автобазаси шофёри Иван Реймга учрашди.

— Ҳеч кўринмай қолдингиз? — сўради Иван.

— Бош қашишга ҳам қўлим тегмай қолди. Милицияда оператив ходимман. Гиламфуруш чайқовчиларнинг катта группасини қўлга туширидик. Керак бўлса, танишлигимиз ҳурмати, биттасини олиб беришим мумкин.

— Керак, — деди Иван қувониб ва унга нақд 300 сўм санаб берди.

Усмонали энди ҳамёнидан кўпроқ пул чиқадиган лақмаларни қидира бошлади. Ўзини масъул лавозимда ишлайдиган ишончли одам қилиб кўрсатарди. Унинг қармоғига ёғочни қайта ишлаш заводининг цех бошлиғи Шавкат Мираҳимов илинди. Усмонали уни «Жигули» олиб бераман, деб лақиллатиб, 5000 сўмини қуртдай санаб олди-ю, дараксиз йўқолди.

У. Қурбонов фирибгарлик қилишда ниҳоятда усталик билан иш кўрарди. Шунинг учун ҳам унинг қармоғига ўнлаб лақмалар илинди. А. Толибжонова 290 сўм, Ҳ. Орифжонов 500 сўм, М. Убайдуллин 500 сўм, Е. Тожитдинов 1000 сўм, Б. Содиқов — 200 сўм пул бериб, эндиликда аттанг қилиб юришибди.

Чўнтагига оқиб келаётган жарақ-жарақ текин пуллардан текин хўрнинг нафси янада очиларди. У, «Узгипроавтодор» институтининг группа раҳбари Аҳмадсагировга ўзини республика прокуратурасининг ходими деб таништирди.

— Бошқармада Церетели деган ҳарбий полковник танишим бор. Унга «ГАЗ-24» «Волга» автомашинаси ажратилган, Бироқ, пули йўқлиги учун менга бермоқчи. Мен эса сизга олиб бериб бир яхшилик қилмоқчиман, — деди. Аҳмадсагиров суҳбатдошининг сўзларига ишониб унга 11275 сўм санаб берди. У. Қурбонов баъзи бир таниш-билларининг ишончларини қозониш йўлларини қидирарди. Туғилган кунларда совғалар тақдим қилиб турарди. Сўнгги марта унинг ҳийласига учган киши Галина Шехина бўлди. Гилам олиб беришни ваъда қилиб унинг 650 сўм пулини олиб кетди. Орадан ҳафталар, ойлар ўтса ҳам Усмоналидан дарак бўлмади. Бундан шубҳаланган Г. Шехина шаҳар Ички ишлар бошқармасига ариза ёзиб берди. Шундан сўнг шошилинч қидирув бошланди. У. Қурбонов дастлабки терговдаёқ айбига иқрор бўлди.

Шаҳар ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими ходимларининг жонкуярлиги туфайли жиноятчининг ҳеч қаерда фойдали меҳнат билан шуғулланмаганлиги, фирибгарликни касб қилиб олиб, гражданларга ўзини ОБХСС ходими, республика прокуратураси ходими деб таништириб, уларга жами 20 минг 745 сўм зарар етказганлиги исботланди.

Киров район халқ суди У. Қурбоновнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Уни 8 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Х. МУИДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ходими.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«ТАШХЛЕБТОРГ»нинг

МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Нон булка маҳсулотларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАГА ЭГА БЎЛГАН, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Машғулотларни тажрибали ўқитувчилар олиб боради.

ЎҚИШНИ ТУГАТГАНЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ҲАМДА УЛАР ТОРГ МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ҳар ойда ўқувчиларга 52 сўмдан 56 сўмгача стипендия берилади.

ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТУГАТГАНДАН СЎНГ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, (маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), —6х9 см. ҳажмдаги 2 та фотосурат. Ҳужжатлар «Ташхлебторг»нинг кадрлар бўлимида (Тимирязов кўчаси, 28-уй) қабул қилинади.

35-41-31 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

«ТАШХЛЕБТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА

йўл монтёрлари, тоннель ишчилари, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, ишлаб чиқариш биноларининг фаррошлари, слесарь-электриклар, омборчилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАСИГА

девор ва том ёпиш панелларини қуйиш линиясига оператор-слесарлар, полуавтоматларда пайвандловчилар, электр пайвандчилар, токарлар, электромонтёрлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-стропалчилар, инженер-конструкторлар, инженер-технологлар, инженер-метролог мастерлар. Ишчиларга автобус хизмат кўрсатади.

ЛЕНИН РАЙОН МАИШИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ КОРХОНАСИГА

эркаклар ва аёллар устки кийимларини бичувчилар, тикувчилар, бухгалтерлар, кадрлар бўлимининг инспекторлари, қабул қилувчилар, машина счет станцияси операторлари, операторларнинг шогирдлари.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

склад мудирлари, катта товаршунослар, товаршунослар, катта инженерлар, инженерлар, катта бухгалтерлар, бухгалтерлар.

КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛЛОННАЛАРИГА

ғишт терувчилар, бетончилар, сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар. Меҳнат ҳақи — ишбай ва аккордли-мукофотли. Иш кўчма характерда бўлганлиги учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

юкчилар, ёрдамчи ишчилар, санитаркалар, операторлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ИУЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/Іда **Кузнинг биринчи куни**, 20/Іда **Абу Али ибн Сино.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/Іда **Хотиннимнинг эри**, 20/Іда **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—19/Іда **Тиконсиз типратиконлар**, 20/Іда **Гуноҳкор авлиё.**

КИНО

18 ЯНВАРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК» — **Қозоғистон.**
«БЎЙСУНМАСЛАР» — **Искра.**
«ТАЙЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРИШ»— **Фестиваль.**
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТЕҲРОН — 43» — **Мир** (17, 20.00), телефон 91-08-30), **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).
«ЭРКАКЛАР» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).
«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

19 ЯНВАРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР
«ОПТИМИЗМ ҚОНУНИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК» — **Қозоғистон.**
«БЎЙСУНМАСЛАР» — **Искра.**
«ТАЙЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРИШ» — **Фестиваль.**
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТЕҲРОН — 43» — **Мир** (11, 14, 17, 20.00), телефон (91-08-30). **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).
«ЭРКАКЛАР» — **Москва** тоқ соатларда) **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00).
«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ МАҲБУБАСИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

ОЛМАЛИҚ ПИВО ЗАВОДИГА
совутиш-аммиакли қурилмалар эксплуатацияси бўйича мутахассис.
КЕРАК
Шарт-шароитлар шартнома бўйича келишиб олинади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область Олмалиқ шаҳри. Телефонлар 44-48-04, 5-23-17.

Тошкент политехникумига берилган 516561 номерли дипломнинг йўқолган
ТОЗА БЛАНКАСИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» қурилиш-монтаж трестининг ишлаб чиқариш-технологик комплектациялаш бошқармаси маҳаллий комитетининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30да
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ.

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Санобар РАҲИМОВА, Шарофат ИУЛДОШЕВА, Ўсар ЮСУПОВ, Нонла НУРМУҲАММЕДОВА, Розия НАЗАРОВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Акбар ИУЛДОШЕВ.

Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.
«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари — Рустам МАМАТМУРОДОВ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ЎҚУВ ИЛИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрпайвандчи, дурадгор, бўёқчи.
ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ
БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.
Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.
10- синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар.
Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 60 сўм стипендия оладилар.
Ўқувчилар ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.
Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.
Билим юртини битирганларга «Таштрактерстрой» трестига ишга йўлланма берилади.
Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона сурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).
Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4- уй, (17- автобуснинг «12- турар жой шаҳарчаси», 13- трамвайнинг «Шимолий Шарқ бекати). Телефон ЭГА БЎЛГАН

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

ДУШАНБА — 18 ЯНВАРЬ

Марказий телевидениенинг биринчи программаси

17.10 Тунисниг мустақиллик учун кураш кунига. «Тунис бўйлаб Кинопрограмма». 17.45 Тунис артистларининг концерти. 18.15 Сизга манзур шеърлар. 18.45 «Сиз яратган бог». 19.15 Мультфильмлар: «Эртага яхмалакка кел», «Чол қандай қилиб сигирни сотди». 19.30 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! «Атоммаш: ишлар ва одамлар». 20.00 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт. 20.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.05 Гитарачи Д. Момонтов ижро этади. 22.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига)—МАСК 2-ва 3-даврлар. Ригадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари». 23.45 Стол тенниси бўйича Халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР—Япония терма командалари. «Дружба» универсал спорт залидан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

16.50 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Халқаро панорама». 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!» 20.45 А. Дворжак. 9-симфония. 21.30 «Время». 22.05 «Масканимиз шу ер». Бадиий фильм. 1-серия.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 География. Поволжье хўжалиги. 12.00 «Йигитлар сараланишди». Телефильм. 12.30 География. Поволжье хўжалиги (рус.). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанга сидқидилдан хизмат қилайлик» (рус). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Хайтарма» татар ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Глинка номли Х Бутуниттифоқ ёш вокалистлар конкурси голибларининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Ер фарзанди». Бадиий фильм. 23.40 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Обь денгизи». Телефильм. 18.00 Қизиқувчилар экрани. 18.30 Р. Тагор. «Сўнгги достон». Телеспектакль. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун Олий математика. 21.20 «Йил фасллари». Телефильм 21.30 МТ II

СЕШАНБА — 19 ЯНВАРЬ

Марказий телевидениенинг биринчи программаси

16.50 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хорининг чиқиши. 17.20 СССР билан Сьерра Леоне ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига. «Сьерра Леоне». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.30 «Моҳир қўллар». 18.00 «Фан оламида». 18.30 Украина телевидениеси ва радиосининг бандурачилар трио ижро этади. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Жасорат». 20.00 И. С. Бах. «Чакона». 20.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Қиш оҳанглари». Оммавий классик куйлардан концерт.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Бизб дарсн». Телевизион ҳужжатли фильм (Тбилиси). 9.35 ва 13.00 Шахмат мактаби. 10.05 ва 12.05 Француз тили. 10.35 ва 11.35 Химия. 10-синф. Целлюлоза. Унинг саноатда олиниши ва қўлланиши. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Астрономиянинг асосий методлари. 12.40 ва 13.45 Ботаника. 5-синф. Қуёш, барг, хлорофилл. 13.30 «Революция туфайли туғилган». Илмий-оммабоп фильм. 14.05 «А. Афиногенов ва унинг пьесалари».

ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

14.50 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Меҳнат ҳуқуқи (Меҳнат шартномаси ва меҳнат интизоми). 15.20 Табиатшунослик. 2-синф. Қордаги излар. 15.45 «Масканимиз шу ер». Бадиий фильм. 1-серия. 16.50 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Спорт ҳафталиги. 19.15 «Музикали киоск». 19.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Сокол». 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Сеҳрли экран». 20.45 П. И. Чайковский 4-симфония. 21.30 «Время». 22.05 «Масканимиз шу ер». Бадиий фильм. 2-серия.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Тақдир чизиғи». «Чўл характери», «Зигир гуллаганда...». «Совет хотин-қизлари» туркумидан кинопрограмма. 12.50 «Ер фарзанди». Бадиий фильм. 14.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 19.00 Ал—Хоразмий туғилган кунинг 1200 йиллигига. «Буюк истеъдод» (рус). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Нозим Ҳикмат туғилган куннинг 80 йиллигига. «Ижод саҳифалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Инқилоб чавандозлари». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Ўқитувчи экрани. Юқори синфларда математикадан дарс беришнинг илғор тажрибаси. 18.20 «Нодар Думбадзе» Адабий кўрсатув. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика 20.00 Янгиликлар 20.20 Классик куй саҳифалари. 21.10 «Гриппдан эҳтиёт бўлинг!». 21.30 МТ.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП, Левин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66, саноат — 32-53-83, қишлоқ — 32-58-65, шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

18 ЯНВАРЬ, 1982 й. Р. 07023. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.